



ХАЛҚ МИНБАРИ

Beruniy tumanining ijtimoiy - siyosiy va ommaviy gazetasi


Gazeta 1946-yilning 1-avgustidan chiqa boshlagan

2021-yil, 10-iyul, №20 (6399), shanba

e-mail: xojaniyazova.lola@mail.ru / e_xat:
l.xojaniyazova@exat.uz
"XALQ MINBARI BERUNIY | Uyda qoling" Rasmiy Kanali.

ТУМАН ИДОРЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Яқинда туман ҳокимлиги маж-лислар залида туман идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2021 йилнинг 6 ойи давомида қонун устуворлигини таъминлаш ва янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олиш бо-расида амалга оширилган ишлари юзасидан ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Сектор раҳбарлари, Депар-таментнинг туман бўлими, туман ИИБ, Давлат солиқ инспекцияси, туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат органлари ходимла-ри, корхона, ташкилотлар раҳбарлари йиғилишда иштирок этишди.



Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишини Бегу-ний тумани прокурори Р. Халмуратов очди.

2021 йилнинг дастлабки 6 ойи давомида Беруний туманида иқтисодий соҳада амалга оширилган иш-ларга йиғилишда танқидий – таҳлилий тарзда баҳо берилди.

Маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш, оилавий ажримларнинг кескин ошаётганини барта-

раф қилиш, аёл – қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг жиноят кўчаларига кириб қоли-шининг олдини олиш борасида туман Маҳалла ва оилани қўллаб – қувватлаш бўлими ва ички ишлар бўлимининг ҳамкорликдаги фаолияти танқидий ба-ҳоланди. Бу юздан йиғилишлар номигагина ўтқа-зилаётганлиги, жараёнлар ичига кириб борилаёт-ганлиги, маҳалла раислари фаолияти муаммоларни тўла қамраб олмаётганлиги ҳисоботда ўз аксини топди. Мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Махсус мухбиримиздан.

1 АВГУСТГА ҚАДАР ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ЖОЙ, КўЧА, АТАМАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИНГ НОМЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ИШ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ТУРЛИ БЛАНКАЛАР ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА БўЛИШИ ТАЪМИНЛАНАДИ



Вазирлар Маҳкамасининг "Лотин ёзувида асос-ланган ўзбек алифбосига босқичма – босқич ўтишни тўлиқ таъминлаш чора – тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 10 февралдаги 61 – сон Қарорига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мус-тақиллигининг 30 йиллигига барча тизим ва соҳаларда муносиб тайёргарлик кўришни назарда тутиб, жорий йилнинг 1 августига қадар Ўзбекистондаги барча жой, кўча, атамалар, ташкилотларнинг номлари, пешлав – ҳалар, оммавий тарғибот воситалари, реклама ва эълонлар, шунингдек, иш қоғозлари ва турли бланкалар лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбо-сида бўлиши таъминланиши бўйича вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларига топшириқ берилган.

Кўпчиликка маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги Қарори билан Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосига босқичма – босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича "йўл харитаси" тас-диқланган. Унга кўра, лотин ёзувида асосланган ўз-бек алифбосига босқичма – босқич тўлиқ ўтишни таъминлашга қаратилган норматив – ҳуқуқий ҳуж-жат лойиҳасини ишлаб чиқиш, лотин ёзувидаги ўз-бек алифбосининг янги таҳрири асосида "Ўзбек ти-лининг имло қоидалари"ни тасдиқлаш бўйича ҳуку-мат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш, Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси пор-талига (regulation.gov.uz) жойлаштириш учун тақдим қилинган лойиҳаларни давлат тили қоидаларига му-вофиқлиги, шунингдек, лотин ёзувида асосланган ўз-бек алифбосида тайёрланганлиги текширилгандан кейин муҳокамага чиқариш, Расмий веб – сайтлар –нинг лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтказилишини таъминлаш назарда тутилган.

Қарорда шахсни тасдиқловчи гувоҳномалар, ID карталар, фуқаролиги бўлмаган шахс ҳамда чет давлат фуқароларининг яшаш гувоҳномалари, иш қоғозлари, турли бланкалар, мамлакатдаги жой, кўча, атамалар, ташкилотларнинг номлари, пешлавҳалар, оммавий тарғибот воситалари, реклама ва эълонлар лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида бўлиши таъминланиши кўрсатилиб, марказий, маҳаллий босма ва электрон ОАВ, интернет сайтлари, нашриётлар, матбаа

Давоми 2-бетга.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Яқинда 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида мабуотни ривожлантиришда катта хизматлари бор, ижодий ва ташкилотчилик фаолияти билан алоҳида танилган газеталар ва журналлар муҳаррирлари, телевидение ва радиоэшиттиришларининг, ахборот агент-ликлари журналистлари, нашриётлар ва бошқа ташкилотлар ходимлари, бир гуруҳ соҳа фидойилари давлатимиз мукофотлари билан тақдирланишди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 2021 йил 26 июн-даги Қарорига мувофиқ, Беруний тумани "Халқ минбари" газетаси Бош муҳаррири Хожаниязова Лола Ачиловна "Қорақалпоғис-тонда хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвони билан мукофотланди.

Мукофот муборак!

ТАҲРИРИЯТ.

БЕРУНИЙ ЁШЛАРИ УЧУН КўРГАЗМА ТАШКИЛЛАШТИРИЛДИ



Элимиз ёшларининг ҳозиргидек ёзги дам олиш кунларини мазмунли ўтказиш ва уларни ватанпар – варлик руҳида тарбиялаш мақсадида жойларда кўплаб маданий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Мана шундай тадбирлардан бири яқинда Беруний туманида бўлиб ўтди. Тадбирга туман ёшлари жамланди. Тад-бир давомида ёшларимиз эстрада хонадалари тара-фидан ташкиллаштирилган концерт дастури билан бирга Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчилари томонидан спортнинг қўл ку-раши тури бўйича кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Бу кўргазмада Миллий Гвардия ҳарбий хизмат –чилари спортнинг қўл кураши тури бўйича ҳар бир чиқишларини жуда маҳорат билан амалга оширишди. Шу билан бирга ҳарбий қурол – яроғлар кўргазмаси ҳам ўтказилди. Унда ёшларимиз қурол – яроғларни кўриб, ҳарбий соҳага бўлган қизиқишлари ортиб, уларни қандай ишлатиш, қандай вақтда қўлланиш мумкинлиги хусусида ўзларини қизиқтирган савол –ларга тегишли жавобларни олишди.

Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари томонидан ташкиллаштирилган кўргазмада чиқишлар Беруний тумани ҳалқи, ёшлари кўнглига ўзгача бир завқ, кўтаринки кайфият бахш эта олди.

Б. МАДРАҲИМОВ,

Беруний тумани кўриқлаш бўлими бошлиғи, майор.

**1 АВГУСТГА ҚАДАР
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ЖОЙ, КЎЧА,
АТАМАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИНГ
НОМЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ИШ ҚОҒОЗЛАРИ
ВА ТУРЛИ БЛАНКАЛАР ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА
БЎЛИШИ ТАЪМИНЛАНАДИ**
(Давоми. Бошланиши 1-бетга).

корхоналари фаолияти тўлиқ лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосига ўтказилиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, 2023 йил 1 январдан бошлаб барча ташкилотларда иш юритиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш амалиёти тўлиқ жорий этилиши маълум қилинганди. Эндиликда, Ўзбекистонда 1 августга иш қоғозлари лотин ёзувидаги ўзбек алифбосига ўтказилиши белгиланди ва буни амалга ошириш учун барча чоралар кўрилади. Демак, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 30 йиллиги нишонланадиган йилда бу вазифа нафақат маънавийташчилар, балки ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса раҳбари зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Биз қисқа фурсатда бу вазифани удалашнинг уйдасидан чиқишимиз керак!

С. ЮСУПОВА,

**Беруний тумани ҳокимининг маънавий –
маърифий ишлар самарадорлигини ошириш,
давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига
риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича
маслаҳатчиси.**

КУН МАВЗУСИ

ОТА – ОНА ФАРЗАНД ВОЯГА ЕТГУНЧА БИРДАЙ ЖАВОБГАР



Кейинги пайтларда оилавий ажримлар сони кўпайгандан – кўпаймоқда. Икки ўртада норасида фарзандлар сарсон. Эр – хотин орасида бўлиб ўтган адоғи йўқ гап – сўзлар, қўйди – чиқди ўз йўлига. Қариндош – уруғ, таниш – билишни бир савол қийнарди: энди болаларнинг тақдири нима бўлади? Таълим – тарбияси – чи?

Биз мана шу саволларга адолатли жавоб топишга ҳисса қўшиш мақсадида бу йил 25 оилани яраштирадик. Эр – хотиннинг ўз хатоларини англаб етиб, ярашшилари натижасида норасидалар ўз ота уйларига қайтишди.

Ажрашиш!.. Ҳар қандай вазиятда ҳам оғир. Гарчи бу тушунча азалдан ёт бўлса – да, афсуски, кейинги пайтларда тез – тез учраб турибди. Бир оилани асраб қолиш учун ҳеч ким қараб турмайди. Ота – она, бобо – бувилар, кайвонилар, қўни – қўшни, маҳалла – кўй, эҳ – ҳе, кимлар аралашиб, нотинч оилани инсофга чақирмайди, дейсиз. Бироқ дунёқараш, ҳаётга, оилага муносабат ўзгармоқдами ёки глобаллашув, "ғарб маданияти"нинг таъсирими, минг афсуски, ҳаётга энгил қараётганлар орасида ажримлар бўлиб турибди. Арзимаган сабаблар туфайли рўзғори бузилаётганлар ҳам йўқ эмас. Лекин шу нарса аниқки, ота – она фарзанд олдида бирдай жавобгар. Уйда эр оталик бурчини бажарса, она бир гапдан қолиб, аёллигини унутмаса, олам гулистон. Афсуски, бизда бир – биридан қолишмайди. Улар бир – бирини ҳатто фарзандлари олдида шундай ҳақоратлайдики, гўёки ҳеч қачон бир – бири билан яқин бўлмагандай. Ва – ҳоланки, фарзанднинг ҳаётидаги ота – онанинг бир – галикдаги тарбияси ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Тимур ХАЛМУХАМЕДОВ,
МИБ Беруний туман бўлими давлат ижрочиси,
3 – даражали юрист.

ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ТАРБИЯСИ – ҲАЁТИЙ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА



Ёшлар таълим – тарбияси доимо назоратда бўлмоғи лозим. Зеро, она – Ватанимизнинг келажаги ҳисобланган ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол шахс сифатида тарбиялаш мураккаб ва муҳим вазифа ҳисобланиб, оила, таълим муассасалари, маҳалла бу юксак мақсадни амалга оширишда бирдек масъулдир. Чунки оилавий тарбия болани таълим тизимига, яъни мактаб – гача тарбия муассасаси фаолиятига тайёрлайди, мактаб ҳаёти эса болаларга янги бир дунёни очиб беради. Айнан мактаб даврида боланинг асосий фаолияти ўзгаради.

Ота – боболаримиз таълим – тарбиянинг асосини оиладан бошлаганлар. Оила – тарбия масканидир. Оилада баркамол авлод, фарзанд тарбияси унинг жисмонан бақувват, руҳан тегиш, маънан етук, ақлан ва ахлоқан гўзал бўлиб етиши билан белгиланади. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Ҳадиси шарифларида тарбия ахлоқни шакллантирувчи муҳим шарт сифатида белгиланган. Саҳоба Жобир ибн Самура р.а. дан ривоят қилган Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: "Бирингининг боласига одоб бермоғи, ҳар куни ярим соғ миқдорда садақа қилиб тургандан афзалдир" деганлар. (Имом Термизий ривояти). Ушбу Ҳадиси шарифдан маълум бўладики, фарзандга гўзал хулқ ва таълим – тарбия бериш, мол дунё сарфлаб, садақа қилишдан савобли ҳамдир. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний тарбия ҳақида шундай деган эканлар: "Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур?" деган савол келур. Бу саволга жавобан: биринчи уй тарбиясидур. Бу оналарнинг вазифасидир. Иккинчиси мактаб ва мадраса тарбиясидир. Бу Оталар, муаллим, мударрис ва ҳукумат тарбиясидир. Эндиликда ёшлар тарбияси давлат сифати даражасига кўтарилди. Бугунги кунда оилада ва таълим – тарбия масканларида фарзандаримиз қалбларига одоб – ахлоқ, иффат, ҳаёти каби тушунчалар каби ҳамоҳанг тарзда сингдириб борилмоқда. Шунга қарамасдан бугунги таҳликали замонда фарзандларимиз онгини турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш энг асосий вазифамиз бўлиб қолаверади. Чунки ҳозирги глобал замонда, турли бузғунчи ғояларга асосланган фирқа ва гуруҳларнинг асосий мақсадлари ёшлар онгини заҳарлаб, ўз домига тортишдан иборат. Ёшларимизни турли хил ёт оқимлардан ҳимоя қилишда диний омиллар Қуръон оятлари ва Ҳадиси шарифлардан кенг фойдаланиш ва диннинг асл моҳиятини англаш ҳам лозим. Исломотаълимоти бузғунчиликни, одамлар қалбига ваҳима, душманлик ва фитна уруғларини сочишни қаттиқ қоралайди. Биз фарзандларимизнинг таълим – тарбиясига катта аҳамият беришимиз лозим. Жамиятнинг салоҳияти ва равнақи унинг илмга бўлган муносабати билан ўлчанади. Қайсики жамиятда илмга ташналик сусайса, илмга эътибор камайса, ўша жамият тараққиётдан орта қолади. Энг ёмони, у маънавий инқирозга ёки ҳалокатга юз тутиши муқаррардир. Аллоҳ таоло барчаларимизга фарзандларимизни илмик, салоҳиятли, эл юртига манфаати тегадиган фарзандлар қилиб тарбиялашимизни насиб қилсин.

Н. ЮСУПОВ,
Беруний тумани бош имоми.

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ:

**СИЗ ҚОНУНЧИЛИҚДА БЕЛГИЛАНГАН
ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНГИЗНИ
БИЛАСИЗМИ?**

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШДА АҲОЛИ ҚАНДАЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРГА ЭГА?

Аҳолини рўйхатга олиш санаси 2023 йил 1 ноябрь 00 соат 00 дақиқа (аҳолини рўйхатга олишнинг аниқ пайти) этиб белгиланади. Саволномаларга маълумотлар аҳолини рўйхатга олишнинг аниқ пайти бўйича киритилади. Саволномаларни тўлдириш даври 12 кун, яъни 2023 йил 11 – 22 ноябрь кунлари.

Аҳолини рўйхатга олишнинг аниқ пайтидан кейин содир бўлган жараёнлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотларни йиғиш амалга оширилади. Масалан, аҳолини рўйхатга олишнинг аниқ пайтидан кейин туғилган чақалоқлар учун саволномалар тўлдирилмайди, лекин аҳолини рўйхатга олишнинг аниқ пайтидан кейин вафот этган шахслар учун саволнома тўлдирилади. Саволномалар вафот этган шахсларнинг оила аъзолари ёки ўзини ўзи бошқариш органларидаги мавжуд маълумотлар базаси асосида тўлдирилади.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг асосий усули аҳоли (респондентлар) ўртасида сўров ўтказиш орқали саволномаларни тўлдириш ҳисобланади. Сўров аҳолини рўйхатга олиш жараёнарига вақтинча жалб этиладиган ходимлар томонидан амалга оширилади.

Саволномалар рўйхатга олувчи ходимлар томонидан уйма – уй юрган ҳолда аҳоли (респондент) яшайдиган (вақтинча яшайдиган) ёки яшаши мумкин бўлган турар ёки нотурар жойларда ва респондентлар ўз хоҳишига асосан стационар участкаларга ташриф буюрган вақтда тўлдирилади.

"Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, респондентлар қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

ўзининг шахсга доир маълумотлари нима мақсадда йиғилаётганини, ушбу маълумотлардан ким ва қандай тарзда фойдаланишини билиш;

ўзи учун тўлдирилган рўйхатга олиш варақлари билан танишиб чиқиш, рўйхатга олиш варақларига киритилган шахсга доир маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини аниқлаштириш; рўйхатга олувчи ходимлардан тегишли гувоҳномани кўрсатишини талаб қилиш, рад этилган тақдирда эса – рўйхатга олиш варақидидаги саволларга жавоб бермаслик; рўйхатга олиш варақининг шаклига биноан шахсга доир ишончли маълумотларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Респондентлар аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга монелик қилмаслиги шарт.

А. САПАРОВ,
Беруний тумани статистика бўлими бошлиғи.



ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАЗМУН-МОҲИЯТИ



Бугун лизинг корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини модернизация қилишга, хусусий тадбир-корликни кенгайтиришга ва унинг асосида рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил қилишга инвестиция киритиш учун самарали механизм сифатида тобора ривожланиб бормоқда.

"Лизинг" инглиз тилидан олган бўлиб, "lease" — "ижарага бериш ва олиш" маъносини билдиради.

Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатлари Фуқаролик кодекси ҳамда "Лизинг тўғрисида"ги Қонун ва улар асосида қабул қилинган қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Фуқаролик кодексининг 587-моддасида лизинг шартномасига қуйидагича таъриф берилган: Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг тошпирингига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлиши мумкин, ер участкалари ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно. Эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг объектини оладиган шахс лизинг олувчи деб ҳисобланади. Лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф этилади.

Лизинг берувчи мол-мулкни бўлажак фойдаланувчидан сотиб олган тақдирда ёхуд лизинг берувчи келгусида мол-мулкни сотувчига лизинг бўйича топшириш учун ундан шу мол-мулкни сотиб олиш мақсадида уни маблағ билан таъминлаган тақдирда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйилади.

Оқоридаги таърифдан кўриниб турибдики, лизинг шартномаси қуйидаги ҳуқуқий белгиларга эга:

— лизинг уч тарафлама (сотувчи, лизинг берувчи, лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи, лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади. Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида икки тарафлама лизинг шартномаси тузилаётганида қўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади.

— лизинг шартномаси консенсуал шартномалар гуруҳига мансуб.

— шартнома ҳақ бараварига тузилади. Лизинг олувчи лизинг берувчига лизинг объектидан фойдаланганлиги учун лизинг тўловларини тўлайди.

Лизингнинг оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, унда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сўнг уларнинг қолдиқ қиймати йиғиндисидан олиш кўзда тутилади.

Мамлакатимизда лизинг берувчилар ва лизинг олувчилар учун қулай бозор инфратузилмаси ва тегишли қонунчилик базаси яратилган. Амалга оширилган ишларнинг натижасида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти тузилмасида лизинг операциялари ҳажмининг йилдан-йилга ўсишига эришилди. Бундан ташқари, лизинг бозорида иштирокчиларнинг, улар қаторида банкларнинг, лизинг компаниялари ва лизинг операциялари билан шуғулланадиган кредит уюшмаларининг сони доимий равишда ўсиб бормоқда.

Лизинг берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида "Лизинг тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасига кўра лизинг шартномаси билан сарфланган маблағларини қайтариш кафолати сифатида лизинг берувчи лизинг олувчидан таъминотни тақдим этишни, шу жумладан гаров, банк кафолати ёки учинчи шахснинг кафилиги ни талаб қилиши мумкин.

Аммо "Лизинг тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ лизинг берувчи лизинг объектини гаров сифатида лизинг олувчининг олдиндан розилигисиз ишлатишга ҳақли эмас. Ўз навбатида лизинг олувчи лизинг объектини гаров сифатида ишлатишга ҳақли эмас, бу эса қонунийдир.

Лизинг шартномаси бошқа айрим турдаги оддий шартномалардан фарқли равишда нисбатан юқори суммада тузилиши ва узок муддат амал қилиши билан ажралиб туради.

Табиийки, мазкур ҳолат ушбу шартноманинг тури сабабларга кўра тугатиладиган ҳолатларнинг ҳам нисбатан кўп ҳолатларда қузатилишига сабаб бўлади.

Хусусан, "Лизинг тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасида лизинг олувчи банкрот бўлган, унинг мол-мулки хатловга олинган ёки мушодара қилинган тақдирда, лизинг объекти лизинг олувчининг умумий мол-мулкidan ажратилади ва лизинг берувчига қайтарилиши лозим, у мол-мулкни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши мумкинлиги белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, лизинг шартномаси бу шартнома иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг бир тури ҳисобланиб, бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг адолатли ҳимоя қилинишига қўшимча кафилик яратади.

Б. Т. БЕКМУРАТОВ,
Беруний туманлараро иқтисодий суди судьяси.

ФЕРМЕРЛАРНИНГ ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Дунё аҳолиси сони шиддат билан ўсаяётган, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эҳтиёж тобора ортиб бораётган бугунги кунда халқимизни сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш зарур. Ҳозирда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи асосий кучга айланганлигини инкор эта олмаймиз. Ҳақиқатан аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг салмоқли улуши мужассамдир.

Қонунчиликка кўра, фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва заҳира ерларда ташкил этилади.

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари очиқ танлов асосида ижарага 50 йилгача бўлган, лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Республикаимизда амалга оширилаётган кенг ислохотлар қишлоқ хўжалиги соҳасида ўз аксини кўрсатмоқда. Давлатимиз томонидан фермерларга ҳар томонлама кўмак ва имтиёзлар бериб келинмоқда. Жумладан, солиқ соҳасида фермерларга қуйидаги имтиёзлар белгиланган:

— сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ерларга — технологиялар жорий этилган ойдан 5 йил давомида;

— қишлоқ хўжалиги учун янги ўзлаштирилаётган ерларга — 5 йил давомида;

— мелиорация амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерларга — 5 йил давомида;

— янги боғлар, тоқзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерларга 3 йил муддат давомида солиқ солинмайди.

Фермерлар ер майдонларини фойдаланишга киритишда қуйидаги имтиёзларга эга:

— мазкур ер майдонлари мақбул лаштирилмайди;

— дала шийпон, маҳсулотлар сақланадиган омборхоналар, суғориш иншоотлари ва бошқалар жойлаштиришга рухсат берилади;

— ердан фойдаланувчи эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом-ашё, материаллар, техника, асбоб-ускуналар, эҳтиёт божхона тўловларидан озод қилинади;

— 10 йил давомида ушбу ер участкаси фойдаланишга киритилгунга қадар белгиланган солиқ ставкалари қўлланилади;

— 1 гектар ерни фойдаланишга киритиш харжатларининг 50 фоизи қоплаб берилиши мумкин;

— ерларнинг сув таъминоти тизимларини қуриш, реконструкция қилиш учун жалб этилган кредитларнинг 1 гектар ҳисобига 40 миллион сўмдан ошмайдиган қисмига банклар белгиланган фойз ставкасининг 5 фоизлик пункти қоплаб берилади.

Фермер хўжаликлари билан берилган мазкур имтиёзлар уларнинг самарали фаолият юритишига кўмак беради, натижада юртимизда тўқин-сочинлик, иқтисодий ўсиш рўй бериб, бу ўз навбатида, халқимизнинг турмуши фаровонлигига хизмат қилади.



С. РАЙМБЕКОВА,
Беруний туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси,
3-даражали юрист.

ЙЎҚОЛГАНЛИГИ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАР ШУ КУНДАН ЭЪТИБОРАН БЕКОР ҚИЛИНАДИ:

— Муллабаева Фарида Тангирбергеновнага 2013 йилда Эликқалъа тиббиёт коллежи томонидан мазкур тиббиёт коллежини "Ҳамширалик иши" йўналиши бўйича тамомлагани учун берилган 275 0746 — рақам белгили диплом (рўйхат рақами — 155);

— Қўшимова Рисолат Мададбай қизига 2017 йили Беруний тумани Беруний маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи (ҳозирги 1-сон касб-ҳунар мактаби) томонидан мазкур коллеж (мактаб)ни "Компьютер ва компьютер тизимларини солаш ва таъмирлаш техниги" йўналиши бўйича тамомлагани учун берилган К №4489928 — рақам белгили диплом (рўйхат рақами — №152);

— Беруний туманида 1984 йилнинг 2 октябрида туғилган Розимова Манзура Джумабаевнага Беруний педагогика коллежи томонидан 2006 йили мазкур коллежни "Бошланғич синфларда таълим — тарбия" йўналиши бўйича тамомлагани учун берилган серия К №374913 — рақам белгили диплом (рўйхат рақами — №996);


— Беруний тумани, Абай кўчасидаги ("Шоббоз деҳқон бозори" да жойлашган) — фуқаро Рустимова Алтин номидаги 21-дўкон биносига тегишли кадастр ҳужжатлари;

— Нурманов Рузмет Ибрагимович номидаги Беруний тумани, Навоий МФЙ, Мусо Жалил кўчасидаги 27-уйга тегишли 2017 йилнинг 03 мартида берилган — Ер участкасига бўлган QR 0051796 — рақам белгили ҳамда Бино ва иншоотларга эгаллик ҳуқуқини белгиловчи QR 0079644 — рақам белгили Гувоҳнома;лар;

— Беруний тумани «Регистон» кўчаси, 124 — уйда яшовчи Юлдашев Хамдам Розимбаевич номидаги 2015 йилнинг сентябрь ойида ишлаб чиқарилган 95X674HA давлат рақам белгили, SOBALT ADLC60 русумли, оқ рангли енгил автомобилнинг давлат рақам белгиси;

— 1992 йилнинг 9 майида Беруний туманида туғилган фуқаро Сапаев Хамид Бекпулатовичга Беруний педагогика коллежи томонидан 2011 йили мазкур коллежни «Жисмоний тарбия ва болалар спорти бўйича мураббий» мутахассислиги бўйича тамомлагани учун берилган К № 1912837 — рақам белгили диплом (рўйхат рақами — №89).

**ТИББИЙ КЎРИКСИЗ,
НИКОҲСИЗ ОИЛА... –
ТИНЧ ЭМАС!**



Тиббий кўрик Оила кодексига мувофиқ амалга оширилади ва тегишли Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Низом ва бошқа Қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Никоҳланувчи шахслар тегишли Низомга мувофиқ ҳажмларда психик, наркологик, таъносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий кўриқдан ўтади. Никоҳланувчи шахслар ФХДЁ органлари томонидан тиббий кўриқдан ўтиш учун доимий ёки вақтинчалик яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли тиббиёт муассасаларига юборилади. Тиббий кўриқдан ўтказиш учун берилган йўлланмалар ФХДЁ органларида никоҳ тузиш тўғрисидаги аризаларни рўйхатдан ўтказиш дафтарида қайд этилади.

2021 йилнинг дастлаб олти ойи давомида комиссиямизда 656 нафар жуфтликлар, 123 нафар тоқликлар тиббий кўриқдан ўтишди. Тўйдан олдин тиббий кўриқдан ўтганлар 584, тўйдан кейин ўтганлар 851 нафарни ташкил қилди. Рақамлардан кўриниб турибдики, туманимизда ҳамон тўйдан кейин никоҳдан ўтувчилар сони камаймаяпти. Бу дегани жойларда ОФЙ, МФЙ раислари, ҳурматли катхудоларимиз, кайвониларимиз аҳоли орасида тиббий кўрик, қонуний никоҳнинг оила мустақамлигидаги роли хусусида етарли даражада тарғибот ишлари юриштирмаяпти. Натижада жойларда тўйлар икки никоҳланувчи шахсининг қонуний никоҳдан ўтишига эътибор ҳам берилмасдан ўтказиляпти. Шаръий никоҳ билан оила қуришга барҳам берилмаяпти. Бу масалага мутасадди ташкилотлар масъуллари панжа орасидан қарашяпти. Савол туғилади: бундан эътиборсизлик, лоқайдлик нималар билан яқун топяпти?

Жорий йил февраль ойида бир нафар, июнь ойида ҳам яна бир нафар никоҳланувчи шахсда – жами 2 кишида бедаво ОИТС касаллиги аниқланди. Ундаям оилада хотин ҳомиладор бўлиб, кўзи ёриши вақти яқинлашганидан сўнг иложсизликдан тиббий кўриқка келишганида. Бундан ташқари, 10 нафар никоҳланувчи шахсининг руҳий касал эканлиги аниқланди.

Мен тиббиёт ходими, ёш оилалар тақдирига бефарқ бўлмаган бир инсон сифатида ҳар доимги фикримни такрорлайман: "Тиббий кўриқсиз, қонуний никоҳсиз оила мустақам эмас! Эътиборсизлик туфайли гулдай фарзандингиз бедаво касалга чалинмасин, бахтсиз бўлмасин! Эътиборлироқ ва сергакроқ бўлинг! Соғлом жуфтликдангина соғлом фарзандлар дунёга келади... Бунини ёшлар ҳам қалбан ҳис этишлари шарт!

Ҳ. ВАИСОВ,

ТТБ тасарруфигаги кўп тармоқли поли-клиника Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказувчи комиссия раиси.

О Т А – О Н А



"Ota-ona" so'zi, o'zi bir lazzat,
Ularsiz hayoting bo'lgaydir zulmat.
Ey, inson, bo'lsang jo'mard hamda mard,
Otangni, onangni qilma behurmat.

Onangning oyog'i ostida jannat,
Otangning so'zlari mehru-muhabbat.
Farzand deb chekkanlar qanchalar zahmat,
Otangni, onangni qilma behurmat.

Seni deb tinmagan, qilganlar mehnat,
Oz bo'lur qancha ko'p aytsangda rahmat.
Seni erkaligingga ko'p qilgan qanoat,
Otangni, onangni qilma behurmat.

Ularni behurmat qilsang, ey farzand,
Alloh senga hecham qilmaydi shavqat.
Shunda ham sen uchun duoda harvaqt,
Otangni, onangni qilma behurmat.

Hilolaxon YUSUPOVA,
Beruniy TXTBga 47-maktab o'quvchisi.
"Shalola" adabiy to'garagi a'zosi.

Y O Z



To'rt faslning ichida,
Yoz hamisha boshqacha.
Bolalarning quvonchi,
Shodligi ham o'zgacha.

Bolalarning qiy-chuvi,
Shodon quvnab oynashi.
Bulbulning sho'x xonishi –
Yozning go'zal jilvasi!

Turar saxiy quyosh ham,
"Nurlarimni ol", deyal!
Poliz-u ekinlarga,
Taratar mehr ila!

Bo'lar mo'l – ko'l hosil ham,
Ayni yozning vaqtida.
Har xil qushlar sayraydi,
Jilo beradi yozga!

Mohira OTAXONOVA,
TXTBga qarashli 63 – maktab o'quvchisi.
"Shalola" adabiy to'garagi a'zosi.

*Tahririyatdan: Tatildayam ijodan
charchamayotgan qizlarimizga omad!*

БИР КАМ ДУНЁ...

Опа-сингиллар турмушга чиқишди:
бири мол-дунёси беҳисоб эркатойга,
иккинчиси сўмни сўмга улаб яшаётган
бечорақолга.

Опада дангиллама уй, қатор-қатор
машина, калондимоғ қайнона ва олиф-
та, суюқ оёқ эр.

Сингилда пахса уй, нураётган девор,
содда қайнона, меҳнатдан боши
чиқмаган эр.

Унисининг қадами ўлчовли, сўровли,
терговли. Ўз уйида бегона, меҳрга зор.

Бунисини хонадонидан борини бирга
баҳам кўришган, бирга уйим-жойим
деб тиришган. Яримта нон – роҳати-
жон.


Қизиқ...

Кичик қиз опасига ҳавас қилади...

Опа эса сингилсига...

Дунё шунақа... бир кам...

ЭҲ, СИНОАТЛАРГА ТЎЛА ДУНЁ...



ЙИГЛАШ ҲАМ ФОЙДАЛИ

Бир неча дақиқалик кўз ёши кўз микро-
блари ва бактерияларини 90 фоиз "ўлдириш"
хусусиятига эга. Бундан ташқари, йиглаш
кўз ёши каналларини тозалайди, кўз олма-
сини намлантиради. Психологик енгиллик
бахш этади ва стрессларни бартараф қилади.

XALQ MINBARI

МУАССИС:

Халқ депутатлари
Беруний туман Кенгаши ва
Беруний тумани ҳокимлиги

Мақолалардаги факт ва рақамлар учун
муаллифлар жавобгар. Икки варақдан зиёд
мақолалар қабул қилинмайди. Қўлёзмалар
ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.

МУҲАРРИР:
Лола ХЎЖАНИЁЗОВА

Газета 2016 йилнинг 22 августида Қорақал-
поғистон Республикаси Матбуот ва Ахборот
агентлигида №01-074-сонли гувоҳнома
билан қайта рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят ком-
пьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нусхаси – 1375

ГАЗЕТА ОЙИГА УЧ МАРОТАБА ЧОП
ҚИЛИНАДИ. НАШР КЎРСАТКИЧИ-94010

Буюртма № 301
Ҳажми-1 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.
Босишга рухсат қилинган вақти – 17. 00.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Навбатчи: Л. БАЗАРБАЕВА.

Газета «Қуванчбек-Машхура» МЧЖ босмахонасида чоп қилинди.
Босмахона манзили: Урганч ш., Ислоҳ Каримов кўчаси, 106-уй.

Таҳририят манзили: 230 200, Беруний
шаҳри, «Халқлар дўстлиги» кўчаси, 1-тор
кўча, 3-уй. Телефонлар: Муҳаррир:
524-28-38, Ҳисобчи: 524-12-17.

Газетанинг сифатли чоп қилиниши
учун босмахона, обуначига вақтида
етиб бориши учун почта бўлими ва
«МТ» унитар корхонаси жавобгар.